



«ТАСЛИКЛАЙМАН»

Тошкент молия институти

Ректори

Б.А.Бегалов

2016 йил

**Тошкент молия институти расмий веб-сайти орқали
«Тошкент молия институти электрон қабулхона» интерактив хизмати
регламенти**

Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса номи

Тошкент молия институти

Интерактив хизмат номи

Тошкент молия институти электрон қабулхона

Интерактив хизмат натижалари

Электрон қабулхонага қабул қилинган мурожаати кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорни моҳияти тўғрисида ёзма равишда хабар қилинади.

Интерактив хизматдан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар

Интерактив хизмат фойдаланувчисининг қоғоз кўринишидаги мурожаати

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, кўрсатилган ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим.

Интерактив хизматни кўрсатиш нархлари (ҳужжатни тайёрлаш ва тақдим этиш), агарда ҳужжат пуллик тарзда тақдим этилса

Бепул

Интерактив хизматни тақдим этиш муддати

Электрон қабулхонага электрон мурожаат келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга уч кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Интерактив хизматни тақдим этишда рад этиш учун асос

Интерактив хизматни тақдим этишни рад этишга интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётганлиги асос бўлиши мумкин. Шунингдек, фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисида маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақида сохта маълумотлар кўрсатилган мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Интерактив хизматни тақдим этувчи муассаса жойлашган манзили

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А-уй

Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса иш тартиби, давлат хизматини кўрсатувчи муассасага мурожаат қилиш тартиби

Давлат хизматидан интернет тармоғи орқали кечаю – кундуз фойдаланиши мумкин.

Интерактив хизмат кўрсатилишини бевосита таъминловчи мансабдор шахс

Тошкент молия институти девонхона мудири

Қариялар ва ногиронларга интерактив хизматни кўрсатиш тартиби

Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин. Мурожаатга шахсий имзо қўйиши имкони бўлмаган тақдирда бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Интерактив хизматни кўрсатиш регламентига амал қилинмаганлиги шикоятларни киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби

Интерактив хизмат бўйича шикоятлар Тошкент молия институтининг бош администраторига мурожаат (admin@tifi.uz), «Электрон қабулхона» ва «Раҳбариятга мурожаат» хизматлари орқали киритилади.

Юқорида турувчи мансабдор шахс томонидан Интерактив хизматни кўрсатилишини назорат қилиш тартиби

Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигига берилган ушбу интерактив хизмат бўйича мурожаатлар ва олинган натижалар статистикаси ҳақида маълумот берувчи саҳифа ташкил қилинган.

Интерактив хизматни кўрсатиш механизми

Интерактив хизмат университет Девонхона ходимлари томонидан ташкиллаштирилади. Масъул ходимлар томонидан фуқаро мурожаати тўғрисидаги маълумотлар университет раҳбарига етказилади. Университет раҳбари томонидан қўйилган резолюция асосида фуқаро мурожаати масъул ходимларга тақдим этилади. Улар томонидан берилган жавоб ректор тасдиғи асосида девонхонага киритилади. Девонхона юридик ва жисмоний шахсларга электрон кўринишда жавоб берилишини ташкиллаштирилади.